

Шодиев Бекзод

доцент, (PhD)

Иқтисодиёт ва педагогика университети, Ўзбекистон

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ

Аннотация. Мақолада минтақалар қишлоқ хўжалиги тармоқларида тадбиркорликни рағбатлантиришининг назарий масалалари баён этилган. Қоракўлчилик тармоғида чўл-яйлов ҳудудларини соф экологик ва атроф-муҳитини табиий ҳолда сақлаш, биохилмахиллигини тиклаш ва ривожлантириш бўйича инновацион фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, яйлов, чорвачилик, қоракўлчилик, самара, иқтисодий ислоҳот, жамғарма, экотизим, инвестиция, инновацион технология, ресурстежамкор ишланма, таназзуллик, биохилма-хиллик.

Шодиев Бекзод

доцент, (PhD)

Университет экономика и педагогика, Узбекистан

РАЗВИТИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ОТРАСЛЯХ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Аннотация. В статье рассмотрены теоретические вопросы стимулирования предпринимательства в аграрных отраслях регионов. Инновационные идеи по сохранению экологической и природной среды пустыни, восстановлению и развитию биоразнообразия нашли отражение в каракульской индустрии.

Ключевые слова: предпринимательство, пастбище, животноводство, каракуль, продуктивность, экономическая реформа, сбережения, экосистема, инвестиции, инновационные технологии, ресурс эффективное развитие, деградация, биоразнообразие.

Shodiev Bekzod

Associate Professor, (PhD)

University of Economics and Pedagogy, Uzbekistan

DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP IN THE AGRICULTURAL SECTORS

***Abstract.** The article deals with theoretical issues of stimulating entrepreneurship in the agricultural sectors of the regions. Innovative ideas for the preservation of desert ecological and natural environment, restoration and development of biodiversity were expressed in the karakul industry.*

***Keywords:** entrepreneurship, pasture, livestock, karakul, productivity, economic reform, savings, ecosystem, investment, innovative technology, resource-efficient development, degradation, biodiversity.*

Кириш. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим бўғини бўлиб, тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустақамлашнинг истиқболли манбаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришлар ва тизимли институционал ислохотларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида тадбиркорлик фаолиятининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар иқтисодий муносабатларнинг муҳим субъекти ҳисобланиб, улар ўз хўжалик фаолиятини иқтисодий, ҳуқуқий ва мулкый жавобгарлиги эвазига ихтиёрий равишда амалга оширадilar. Ишлаб чиқариш воситаларига тўла эгалик қилиш ва ишлаб чиқаришни эркин ташкил қилиш тадбиркорлар мустақиллигининг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда минтақадаги кескин иқтисодий-экологик шароитда қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни рағбатлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш

муаммоси, экологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан самарали тақсимотини таъминлашни рағбатлантиришнинг замонавий концепциясини қўллаш имкониятларини тизимли тадқиқ этиш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларнинг назарий ва услубий ечимлари етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқот ишимиз йўналишини танлашда асос бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг чўл ҳудудларидаги биологик хилмахилликда яйловлардан самарасиз ва тизимсиз фойдаланиш, яйлов ҳосилдорлигини пасайиши, чорва молларини озиқлантиришда ресурстежамкор технологияларнинг қўлланилмаслиги, чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимини пастдаражада ривожланганлиги салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан ҳисобланади.

Қорақўлчилик соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, яйлов чорвачилиги билан шуғулланаётган наслчилик масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни иқтисодий барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, чорвадорлар меҳнатини моддий рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартда “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон фармони, 2018 йил 14 мартда “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3603-сон ва 2019 йил 18 августда “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №4420-сон қарорлари қабул қилинди.

Сўнгги йилларда қорақўлчиликда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, бозор талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, хўжаликларни даромадини кўпайтиришга қаратилган замонавий усулларни амалиётга жорий қилиш талаб қилинмоқда.

Тадқиқот жараёнида қорақўлчилик наслчилик МЧЖ фаолиятига ва яйловлардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатаётган омиллар яхлит бир тизимга келтирилиб, тавсифланди.

Қорақўлчилик хўжаликларининг фаолиятига ва яйловлардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар мажмуаси қуйидагилардан иборат:

Институционал омиллар:

- ҳудудий даражада тегишли вазирлик ва идоралар томонидан яйлов чорвачилиги субъектлари фаолиятини бошқаришда уйғунлашган режалаштириш ва мувофиқлаштириш тадбирларини барқарор механизмлар ёрдамида амалга оширилмаслиги;

- туман хокимликлари, яйлов чорвачилигига ихтисослашган фермер хўжаликларида яқин ва узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқилмаганлиги;

- маҳаллий давлат органлари, қорақўлчилик наслчилик МЧЖ, чорвачиликка ихтисослашган хўжалик субъектларида экотизимни муҳофаза қилиш, чўлланишни олдини олиш ва бошқа амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя қилмаслик;

- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, қорақўлчилик наслчилик МЧЖ, тармоқ вазирлик ва идораларида қорақўлчилик тармоғини ривожлантириш бўйича молиявий имкониятларнинг етишмаслиги;

- айланма маблағларнинг етишмовчилиги, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги.

Ижтимоий, маданий ва иқтисодий омиллар:

- яйлов чорвачилиги ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тадбирлари бошқа ҳудудларга нисбатан орқада эканлиги;

- яйлов чорвачилиги ҳудудларида янги доимий ишчи жойларини ташкил этиш имкониятларининг чегараланганлиги;

- яйлов чорвачилиги тармоғига инновацион ишланмалар ва инвестициялар жалб қилиш жозибадорлигини паст даражадалиги;

- яйлов чорвачилиги хўжаликларида замонавий ресурстежамкор илғор тажрибаларни жорий қилинишида хўжалик раҳбарлари ва мутахассис ходимларида касбий малакалари ҳамда кўникмаларнинг паст даражадалиги;

- хўжаликлар бўйича ички-ташқи иқтисодий-шартномавий муносабатларни талаб даражасида амалга оширилмаслиги натижасида меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан тўлиқ банд қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

- қорақўлчилик наслчилик МЧЖнинг молиявий-иқтисодий ривожлантириш суръатининг пастлиги пировард натижада маҳаллий фуқароларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатади.

Аҳолининг яшаш даражаси:

- маҳаллий аҳолининг турмуш кечирishi ва кундалик ҳаёти учун зарур бўлган эҳтиёжларнинг етишмаслиги;

- маҳаллий аҳолини соғлигини яхшилаш бўйича ижтимоий инфратузилма шохобчалари ва малакали касбга эга мутахассисларнинг етишмаслиги;

- аҳоли орасида меҳнатга қобилиятли фуқаролар, айниқса ёшларни бошқа ҳудудларга кўчиб кетиш суръатининг юқорилиги;

- ижтимоий-демографик таркибда номутаносиблик ҳолатининг мавжудлиги (меҳнатга қобилиятли ёшларни бошқа ҳудудга кетиши, хотин-қизлар ва қишлоқларда кекса кишилар сонининг кўпайиши).

Инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва ердан фойдаланиш омили:

- қишлоқ ҳудудларида сув таъминоти ва экологик ҳолатнинг нисбатан ёмонлашаётганлиги;

- қишлоқларда инфратузилма субъектларини, жумладан йўл қурилиши, ирригация, ижтимоий, хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналиши соҳаларини паст суръатда ривожланаётганлиги;

- қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хизмат кўрсатиш, жумладан қишлоқ врачлик пунктлари, мактабгача таълим муассасалари,

оилавий тадбиркорлик, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини шохобчаларини паст суръатларда ривожланиши;

- қишлоқларда ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишнинг чегараланганлиги;

- қорақўлчилик наслчилик МЧЖда яйлов ер участкалари, табиий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги;

- қорақўлчилик наслчилик МЧЖда яйлов ерларидан фойдаланишни бошқаришни ва унинг самарадорлигини оширишда уйғунлашган режалаштириш тадбирларини йўқлиги.

Биофизик ва экологик омиллар:

- қорақўлчилик наслчилик МЧЖда отарлар ва яйлов чорвачилиги мавжуд қишлоқ ҳудудларида ичимлик сувининг етишмовчилиги ёки таъминланмаганлиги;

- қорақўлчилик наслчилик МЧЖда яйлов ерларини таназзулликка учраши, биохилмахилликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатилаётганлиги;

- аҳоли яшайдиган қишлоқ атрофларида ва яйловларда таназзулликка учраган ҳудудлар ҳажмининг кўпаяётганлиги;


- қайтадан тикланадиган ва тикланмайдиган табиий ресурслардан самарасиз фойдаланиш оқибатида атроф-муҳитни ифлосланиш даражасининг кўпаяётганлиги;

- биохилмахиллик ва экотизим бузилганлиги сабабли ўсимликларни нобуд бўлиш ҳолатини кучаяётганлиги;

- инсон омили натижасида табиий ресурсларга қарши салбий таъсир ва босимни кучаяётганлиги.

Тадқиқотлар олиб боришимиз натижасида ривожланган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб бозор иқтисодиётининг барча ички ва ташқи бўғинларини ҳаракатга келтиришнинг имконияти йўқлиги. Амалга

оширилатган иқтисодий ислохотлар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб, тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилашнинг сабабларини кўрсатиб ўтиш мумкин (1-расм).




1-расм. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрел кунги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Мазкур қабул қилинган Қарор ва Фармонлар иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг шароит ва имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилди. Фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларнинг қайта

¹ Муаллифларнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

Илмий изланишларимизнинг ҳам асосий мақсади ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётини юксалтириш имкониятларидан бири бўлмиш тадбиркорлик фаолиятидан унумли фойдаланишни таъминловчи механизм яратишдан иборат. Илмий тадқиқотларимизнинг асосий моҳияти ҳам ушбу хусусият ва ўзига хослигини ифода этишга алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари уларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари ва йўналишлари бўйича қуйидагича тавсифлаш мумкин (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг таснифи²

Ҳозирги кунда экологик талабларни ҳисобга олувчи механизмларни такомиллаштириш, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида атроф мухитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳаракатларни рағбатлантиришларни кучайтириш керак. Шу сабабдан, бизнинг фикримизча, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес субъектларининг экологик талабларига жавоб бериш борасидаги ягона рағбатлантириш механизмларини ҳар бир иқтисодий минтақанинг хусусияти, географик жойлашуви, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини инобатга олиши зарурдир.

² Муаллифларнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27-майдаги 232-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сонли “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 августдаги ПҚ-4420-сонли “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
6. A.J. Musagaliev, & B.T. Shodiev. (2022). Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan . *Partners Universal International Research Journal*, 1(1), 1–5. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6387977>
7. A.J. Musagaliev. Assessment and Analysis of the Tax Potential of the Republic of Karakalpakstan / *NeuroQuantology*. ISSN: 1303-5150. Vol. 20, Issue 20. 2022. Page. 1203-1209. Scopus Q3.
8. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
9. Musagaliev A. J., Shodiev B. T. Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan. *Partners Universal International Research Journal*, 7 (1), 1-5. – 2022.

10. Kholmiraev, Toir Rozimurodovich, and Jamshid Numonovich Ziyoyev. "Role Of Financial Policy In The Economic Development Of The Republic Of Uzbekistan." *Pedagogical Cluster-Journal of Pedagogical Developments* 2.4 (2024): 294-304.
11. Хожанова Г. О. Особенности использования природных ресурсов //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2023. – Т. 9. – №. 2. – С. 105-107.
12. Khojanova G. O. INVESTMENT AS A MEANS OF DEVELOPMENT AND STRENGTHENING OF ENTERPRISE PRODUCTION CAPACITY //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-1 (81). – С. 171-175.
13. Хожанова Г. О. Показатели Развития Промышленного Кластера //Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects (Spain). – 2023. – С. 78-82.
14. Ochilova N. A. Farming Management and their Economic Efficiency //Innovation in the Modern Education System. – 2023. – Т. 3. – №. 28. – С. 177-184.
15. Akramovna O. N. SCIENTIFIC ON INCREASING THE EFFICIENCY OF CROP PRODUCTION ON FARMS AND PEOPLE'S HOMESTEADS RECOMMENDATION ANALYSIS // " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM. – 2022. – С. 300-303.